O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 10 IYUL ◆ SESHANBA ◆ № 79 (26.781)

MARRA

БАРАКАЛИ ХИРМОН

Сирдарё вилояти ғаллакорлари бу йил 185 минг 300 тонналик ғалла хирмонини бунёд этиб, шартнома шартларини ортиғи билан адо этдилар.

Вилоят ғаллакорларининг бу йилги эришган зафарларига Боёвут, Сайхунобод, Сирдарё туманлари деҳқонларининг қўшган улушлари салмоқли бўлди.

120 та «Кейс», 140 та бошқа комбайнлардан унумли фойдаланилгани ўз самарасини берди. Вилоятда ғалла ўримини якунлаш билан бир қаторда экиндан бўшаган ерларни ҳайдаш ва кузги экинлар экиш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда.

***

Навоий вилоят меҳнаткашлари давлатга дон сотиш йиллик шартномавий режасини ошириб бажарганлиги ҳақида рапорт бердилар. Эл хирмонига режадаги 79 минг 720 тонна ўрнига 80 минг тонна сара дон армуғон этилди. Деҳқончилик қилинган 32 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 29,4 центнердан ҳосил кўтарилди. Бултургига нисбатан вилоятда 2 минг тонна ғалла кўп етиштирилди. Навоий, Навбаҳор, Конимех, Қизилтепа туманлари ғаллакорлари ютуққа муносиб ҳисса қўшишди. Мазкур туманларнинг Қодир Раҳимов, Йўлдош Охунбобоев, Алишер Навоий, Ҳамид Олимжон, Қосим Қобилов номидаги, Янгиқўрғон, Навбаҳор, Варозун, Маданият, Жалоир ширкат хўжаликларида гектарлар ҳосилдорлиги 48-50 центнердан ошиб кетди. Дончилик билан машғул бўлган 919 фермер деҳқоннинг 750 тасида давлатга дон топшириш режалари муддатидан олдин уддаланди.

■ (Ўз мухбирларимиз)

Ғофуржон Кўчқоров умрининг чорак асрини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлаган. Самарали меҳнатлари эвазига «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Ўтган йили у Поп туманидаги «Найман» ширкат хўжалиги бошқаруви раислигига сайланди.

Хўжалик жорий йилни зафарлар билан бошлади. 260 гектар ерда деҳқончилик қилган хўжалик ҳар гектар майдондан режадаги 41 центнер ўрнига 43 центнердан сара дон етиштирди.

«Найман»ликлар 1715 гектар майдондаги ғўза парваришига ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Барча ишлар агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Плёнка остига экилган ғўзалар ҳозирнинг ўзидаёқ 12-15 тадан бўлиқ кўсак туйган.

■ Турғунбек МАҲҚАМОВ олган суратлар

Суратларда: Хўжалик бошқаруви раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Ғофуржон Кўчқоров; баравж ғўзалар.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда қимматбаҳо иккиламчи хомашёни йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи вазирлик, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Республика комиссияси раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда ўтган ярим йил якунлари кўриб чиқилиб, натижалар ижобий баҳоланди. Эришилган натижалар «Ўзметкомбинат» бирлашмасининг барқарор фаолиятидан далолат беради, шунингдек, республикамиздаги тоғ-кон қайта ишлаш корхоналари ва қурилиш мажмуи учун металл маҳсулотларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаётган. Ҳозирда қурилиш ҳажми анча ўсди ва уни янада кенгайтириш имконияти пайдо бўлди. Шу муносабат билан металл парчалари тайёрловчи ташкилотларга бу борадаги масъулиятни янада ошириш вазифаси топширилди. Корхоналар, хўжаликларда кўплаб ишдан чиққан ускуналар ва қишлоқ хўжалик техникаси йиғилиб қолган. Бироқ айрим раҳбарлар муҳим ҳукумат вазифасини бажаришда лоқайдлик қилмоқда.

Қимматбаҳо иккиламчи хомашёга хўжасизларча муносабатда бўлган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш тавсия этилди. Шунингдек, рангли металл парчаларини йиғишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Қайд этилганидек, йил охирида турли муаммоларга дуч келмаслик учун ҳозирданоқ иккиламчи металл хомашёсини топширишни жадаллаштириш, бекободлик металлургларга учун етарли хомашё захирасини яратиш зарур.

■ (ЎзА)

БОЗОРНИ ҲАШАРЧИЛАР ҚУРИШДИ

«Туман ва шаҳар бозорларида деҳқонларга шароит яратилмаган. Шуманай туманида эса умуман бозор йўқ. Аҳоли ўз эҳтиёжини қондириш учун 50-80 километр йўл босиб, Қўнғирот ёки Хўжайли бозорларига боришга мажбур. Қарийб 250 минг аҳоли яшайдиган Нукус шаҳрида атиги битта бозор бўлиб, у ҳам санитария талабларига жавоб бермайди».

Юртбошимизнинг ҳақли танқидларидан кейин Қорақалпоғистон шаҳар ва туманларидаги марказий ва деҳқон бозорларини кенгайтириш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига киришилди. Сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам шарт-шароитлар яратилди. Барча деҳқон бозорлари телефонлаштирилди. Олисдан келган деҳқонлар учун меҳмонхоналар эшиги очиқ.

Бироқ Шуманай деҳқон бозорини қуриш, тиклаш, таъмирлаш каби ишлар сира юришмади. Бозор ҳақида бирон раҳбар бош қотирмади. Туманнинг собиқ раҳбарлари ваъда беришдан нарига ўтмади.

— Деҳқон бозори бўлмаган туман туман бўладими?

— Бизнинг туманимиз «берк кўчада» жойлашган. Одамлар унча-мунча келавермайди, — деди собиқ ҳоким. — Одамларимиз кўпроқ Қўнғирот билан Хўжайли туманларида бозор қилишади.

— Туманнинг аҳолиси қанча?

— 40 мингдан кўпроқ...

Шунча аҳолиси бўла туриб туман деҳқон бозорига эътибор бермаган раҳбарлардан нимани кутиш мумкин?

Туманга янги ҳоким Сағдулла Сайманов келди. У ишни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашдан бошлади. Қараса, деҳқон бозори эътибордан четда қолган. Одамлар қаерда бозор қилишади? Улар рўзғорга керакли нарсаларни қаердан сотиб олади?! Ҳоким бу ҳақда жиддий ўйлади.

Бозор аҳволи билан чуқур танишиб, деҳқон бозорини тиклаш борасида фаолларга маслаҳат солди. Бозорнинг даромади кам. Ҳеч ким кредит бермаса, ўзининг даромади етмаса. Зеро, маблағ бўлса-бўлмаса туманда деҳқон бозори бўлиши шарт. Бунинг учун фақат битта йўл бор — ҳашар уюштириш.

Ҳашарга йўл қурилиши бошқармаси, машина-трактор саройи, электр тармоқлари корхонаси, гишт заводи, 324-кўчма механизациялаштирилган колонна ва бошқа корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар биринчилардан бўлиб қўшилишди.

Бозор 60 ўринга кенгайтирилиб, 320 ўринга етказилди. Ҳар бири 30-40 ўринли 7 та бўлим қурилди. 70 ўринли ёпиқ бозор таъмирланиб, ишга туширилди. Озиқ-овқатлар, сабзавот, мевалар, сут маҳсулотлари, темиртерсак, хўжалик моллари сотиладиган бўлимлар, қорамол, қўйэчкилар, ем-хашак, паррандачилик бозорлари ҳам вужудга келди. Шундай қилиб Шуманай деҳқон бозорининг қайта тикланишидан туман аҳолиси эмас, қўшни туманлар аҳолиси ҳам манфаатдор бўлди.

Ўтган йил бир марталик йиғим 1 миллион 530 минг 735 сўм, ижара бўйича 198 минг 885 сўм, пуллик хизмат эса 265 минг 800 сўм билан якунланди. Шу йилнинг ўтган беш ойида бир марта йиғимдан 810 минг 100 сўм, ижара бўйича 129 минг 900 сўм, пуллик хизматдан 183 минг 800 сўм даромад тўпланди.

Деҳқон бозорига туман хўжаликларидан эмас, балки қўшни Хўжайли, Амударё, Хоразм вилоятидаги Ғурлан, Шовот, Қўшкўпир, Урганч туманлари деҳқонлари ўзларининг томорқаларида етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келтириб сотмоқдалар.

Бозор шу туманнинг ойнаси, кўрки. Туманнинг иқтисодиётини, турмуш маданиятини, келажагини кўрсатадиган ҳам шу бозор. Бозорни янада кенгайтириш ишлари давом этмоқда.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 10 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	196,21	10 Испания песети	19,71	1000 Туркия лираси	0,30
1 Австрия шиллинги	23,83	100 Италия лираси	16,93	1 Финляндия маркаси	55,15
1 Англия фунт стерлинги	545,61	1 Канада доллари	254,19	1 Франция франки	49,99
10 Бельгия франки	81,28	1 Хитой юани	46,74	1 Швейцария франки	215,82
1 Голландия гульдени	148,79	10 Люксембург франки	81,28	1 ЕВРО	327,89
10 Греция драхмаси	9,63	1 Малайзия рингити	101,81	10 Жанубий Корея вони	2,99
1 Дания кронаси	44,08	1 Германия маркаси	167,65	10 Япония иенаси	30,83
1 БАА дирхами	105,33	1 Польша злотийси	91,88	1 Россия рубли	13,26
1 АҚШ доллари	386,85	1 СДР	479,37	1 Украина гривнаси	71,83
1 Миср фунти	98,69				

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

■ Абдулғани ЖУМА олган сурат

BU DUNYONING ISHLARI

ШАҲАРДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

Австралиянинг Мелбурн шаҳрида кучли портлаш юз берди. Портлаш туфайли озиқ-овқат дўкони ҳамда емакхона вайрон бўлди, ён-атрофдаги биноларнинг ойналари чил-чил синди.

Айни пайтда портлаш сабаблари аниқланмоқда. Полициянинг билдиришича, у кўпорувчилик мақсадида амалга оширилган бўлиши мумкин.

КЕМА КЕЛИШИГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР

Грециянинг Салоника шаҳри портига НАТОга тегишли саккизта кема келиши муносабати билан шаҳарда оммавий намойишлар бошланди. Намойишчилар шимолий альянс кемаларининг тезда Грециядан чиқиб кетишини талаб қилмоқда. Уларнинг айтишича, кемаларнинг Грецияда сақланиши Болқондаги вазиятни янада кескинлаштиради.

ДЕНГИЗДА 250 МУҲОЖИР

Камбожа денгиз қўриқчилари ўтган куни 250 нафар муҳожирни тутиб олди. Маълум бўлишича, улар Индонезия юк кемаларига миниб, Австралия ва Янги Зеландияга ўтишни кўзлаган экан. Муҳожирлар асосан Афғонистон ва Покистон фуқаролари бўлиб чиқди.

СУИҚАСД ҚИЛИШМОҚЧИ ЭКАН

Филиппин хавфсизлик кучлари «Абу Сайёф» экстремистик гуруҳи мамлакат президенти Глория Макапагал Арройога суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўраётгани ва уларни Афғонистонда яширинган юрган халқаро террорчи Усама бин Лодин молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турганини аниқлади. Ушбу тажовуз президент АҚШнинг Маниладаги элчихонасига келганда амалга оширилиши режалаштирилгани ҳам маълум бўлди.

Хабарларга кўра, «Абу Сайёф» гуруҳи тайёргарлик машқларини ўташ учун Афғонистондаги махсус лагерларга 50 нафар жангари жўнатган.

ЎҒРИНИНГ ҚЎЛИ КЕСИЛДИ

Нигерия штатларидан бирида шариат суди эчки ўғирлаган 30 ёшли фуқаронинг ўнг қўлини кесиш ҳақида ҳукм чиқарди. Ҳукм маҳаллий касалхоналардан бирида ижро этилди.

МАХФИЙ КУЗАТИЛАРКАН

Интернетда бемалол ишлаш имконига эга бўлган америкаликларнинг аксарияти ўз иш жойида раҳбарият томонидан махфий тарзда кузатилар экан. «Шахсий ҳаёт сирларини ҳимоя қилиш» жамғармаси шуни маълум қилди.

12 СОАТЛИК ОПЕРАЦИЯ

АҚШнинг Флорида штатидаги Пенсакола шаҳрида саккиз яшар бола операция столига ётқизилди. 12 соат давом этган операцияда болакайнинг қўли қайтадан жойига тикиб қўйилди. Унинг қўлини денгизда чўмилаётганида акула тишлаб олганди.

КОРА ҚИЛМИШ

ДУШМАН КЎЗИ КУЙСИН

ДЕБ ЗИРАГИДАН АЙРИЛГАН АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Баъзи аёллар бўйнига шода-шода тақинчоқларни тақиб олиб, одамларга кўз-кўз қилиб юришни хуш кўришади. Гап уларнинг тилла тақинчоқлар тақиб юришларида эмас, аксинча, шу зиракларни меъёридан ортиқча ва бемаврид пайтда ҳам кўз-кўз қилишларида. Айниқса, кўрган душманнинг кўзи куйсин деб зирак тақиб юрувчи аёлларнинг ўзлари куйиб қолаётганлигини ўйлашмаётганида. Бўлмаса фуқаро Г. Мақсудалиева «Отчопар» бозорига борганида тилла мунчоғини олиб қўйса бўлмасмиди. Шундай пайтда бир ўғригина одам унинг бўйнидаги мунчоғини юлиб қочди. Арзон бўлса ғўрга эди. Бир неча йиллаб қилинган меҳнат эвазига топилган бу матоҳнинг ҳузурини юлиб қочган кўрадиган бўлди.

Уй бекаси Т. Шокирова ҳам ана шу мақсадда уйидан бўйнига бир эмас, икки шода тилла зирагини осиб чиққан эди. Айтганидай бўлди. Ялтироқ нарса дарров душманнинг, йўғ-е, ўғрининг кўзига тушди. Пайт келди, шарт этди. Опанинг бўйни бир ачишди қўйди, тилла зирак «овчи»нинг қўлида кетди. Опа нима бўлганини англай олмай қулоғига қўлини чўзганди, ҳеч вақо илинмади.

— Вой дод, зирагим кетди. Ўғирлаб қочишди, ёрдам беринглар.

Вағир-вуғур ички ишлар ходимларигача эшитилди.

Шундай қилиб тезкор тадбирлар бошланди. Кўп ўтмай зиракни юлиб қочган йигит ушланди. У ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари кисавурлик билан «ўтириб чиққан» чоқларни номаълум шахслар юлиб, олиб қочиб кеттанидан шикоят қилиб келади. Ички ишлар ходимлари орадан бирмунча вақт ўтиб опанинг бўйнига осилган «шунқорлар»ни топишди. Унинг зиракларини юлиб кетган шахслар — Ғайратий кўчасида яшовчи Б. Исроил ва С. Шомансурлар қўлга олинди.

Андижон шаҳрининг Машраб кўчасида кетаётган аёл ёнида бир шарпа пайдо бўлди-ю, зув этиб йўқолди-қолди. Чўчиб тушганидан ёқасига туфламоқчи бўлганди, кўнгли ғалати бўлди. Нимадир чирт узилгандек, 22 яшар йигит экан.

Собир Раҳимов туманида жойлашган касалхоналардан бирида шифокор бўлиб ишловчи Д. Муслимова ҳам кўчада ялт-юлт қилиб юрган маҳалда тўсатдан уч-тўрт киши ҳужум қилиб қолишади. Нима бўлаётганини англай олмай қолган опа ўзини ўнглагунча ишлар чаппа кетиб, ўғри талончилар унинг бўйнидагини юлиб кетиб қолишади. Шундан сўнг у ҳам бўйнидаги тилла тақинбўйнида нимадир йўқдек...

Аёл машинага югурди.

Қоғоз-қалам қилингач, иш бошланди. Кўп ўтмай юлиб қочар тутиб келтирилди. Не кўз билан кўрсинки, ёшгина йигитча бўйин эгиб турарди. Қилган ишидан пушаймон бўлиб, кўзлари жовдираб турган йигитча эса ўзини шаҳардаги 2-сон ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси В.Безахматовман деб таништирди.

Самарқанд шаҳрида ҳам бундай юлғичлар учраб турибди. Ал-Хоразмий кўчасидаги 49-мактабнинг ёнида кетаётган Х. Обиддинова ҳам биров бўйнимга чанг солади деб сира ўйламаганди. Бир зумда зув этиб келган шовқиндан ҳангу манг бўлиб қолди-ю, бир пас ўтиб бўйни ачишаётганини сезди... ёқасини ушлаб ичи музлаб кетди.

Тилла занжирни юлиб қочган шоввоз бир ҳафта дараксиз кетди. Бироқ ички ишлар ходимлари тилла занжир «хуштор»ини топишиб, уни эгасига қайтаришга мажбур қилишди. «Самарқанд» жамоа хўжалигида яшовчи А. Эргашев «опажон, иккинчи маротаба қулоғингиздан тилла зирагингизни олмайман» деб афсус чекмоқда.

Юқоридаги мисолларга қараб бечора аёллар ожизлиги туфайли бўйнидагини олдириб юришади-да, деб ачинишингиз мумкин. Лекин улар орасида баъзан шунақаси ҳам учраб турар эканки, уларнинг қилиғи юқоридаги ҳодисаларга тамомила тескари. Масалан, аёл зотининг бировни мушти ва дўқ-пўписаси билан қўрқитиб пул сўраганини... эшитганмисиз?

Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани Чилонзор 25-мавзесининг 1-уйида яшовчи пенсионер аёл В. Зирьянови уйига очиқ эшик орқали кириб, уни арқон билан бўғиб, пул талаб қилган, лекин кўтарилган шовқиндан сўнг воқеа жойидан қочиб кетган кишининг изига тушган ички ишлар ходимлари жабрланувчидан у аёл эди, деган гапни эшитганларида унча ишонқирамадилар. Наҳотки, аёл киши...

Ҳа, аёл кишининг ҳам қўлидан одамни бўғиш,ҳозироқ пул топиб бермасанг ўлдираман, дейиш келар экан. Буни яшаш ва ишлаш жойининг тайини йўқ, 30 ёшга кирса-да ақлини бир жойга йиғиб олмаган Хамис Магриева мисолида кўриш мумкин. Аёл деган муқаддас номга доғ тушираётган баъзи бундай аёлларга ҳам худонинг ўзи инсоф берсин.

■ **Шуҳрат РЎЗИЕВ, ИИВ матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани**

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Ислом КАРИМОВ:

Ёруғ истиқболга эришиш ҳеч қачон, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат учун осон ва енгил кечган эмас. Улар ана шу эзгу мақсадларга кўп-кўп оғир синовлар, ёвуз хатти-ҳаракатларни, тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб, шижоат ва мардлик, метин ирода, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, қатъият билан курашиш туфайли эришган.

МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлашга ҳам озгина фурсат қолди. Ўтган давр ичида халқимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан янгиликлар юз берди. Энг муҳими, онг-тафаккуримиз бутунлай ўзгарди. Келажакка ишонч ортиб бормоқда. Ватан равнақи, юрт ободлиги, эл тинчлиги йўлида одамларимизнинг шахсий ва умуммиллий мақсадлари муштараклиги, ғоявий бирлик кўзга ташланмоқда. Ғоявий бирликка эришолмаган замонларни эслаб кўрайлик: собиқ шўро даврида миллийликдан бутунлай йироқ, жамиятни синфларга бўлиб ташлаган, пароканда қилган, ўта мафкуралашган тизим ҳукмрон эди. Одамларни сохта ғояларга қизиқтириб, ўзлигидан жудо қилиш оқибатида миллий идеаллар қадрсизланиб, сусайиб қолган эди.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўзига хос миллий маънавият ва маданиятнинг соҳибига айланди. Бироқ ўзликни англаш, қадриятларни тиклаш анча мураккаб вазиятларда — эски империя тузуми барбод бўлган ва янги давлатчилик муносабатлари шаклланаётган бир шароитда юз берди.

Лекин, шунга қарамасдан, энг тўғри йўл тутилди — мафкуравий зўравонлик бутунлай рад этилди. Юртбошимиз тўғри таъкидлаганидек, **«биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик».**

Бугун қатъий ишонч билан айта оламизки, бу йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланди — буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирди. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланди. Шу ўринда атоқли инглиз олими Жон Леббокнинг «Миллатнинг ҳақиқий шарафи ҳудудининг беқиёслигида ҳам, ерининг унумдорлигида ҳам, табиатининг гўзаллигида ҳам эмас, балки халқнинг маънавий, ғоявий ва ахлоқий баркамоллигига боғлиқ», деган сўзлари ёдга келади.

Азалдан бирор халқ ўз ҳаётида тарихий ўзгариш ясашга қарор қилар экан, унинг аъзолари орасидаги ўзаро ғоявий бирлик, маслакдошликни таъминлаш масаласи биринчи ўринга кўтарилган. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи ўзида мужассам қилган мақсад, моҳият бунинг яққол намунаси, дейиш мумкин. Унда жамиятни бирлаштирувчи, ватандошларни бир-бирига пайванд қилувчи умумий идеалларимиз акс этган. Айниқса, ҳозирги ўтиш даврида халқимиз, хусусан, ёшларимиз онги ва қалбини ёт ғоялардан асраш, ҳимоя қилиш сув билан ҳаводек зарур.

Зеро, ёт кучларнинг мақсад-муддаолари бизнинг бунёдкор ғояларимизга зид — жамиятда ғоявий қутбланиш, бўлинишни ҳосил қилиш, бўлинган қисмларни бир-бирига қарши қўйиш, миллатни пароканда қилиб, ўз измига бўйсундириш, бу йўлда ҳар қандай қабиҳликлардан фойдаланиб қолишдан иборат. Агарда биз уларнинг шундай қора ниятларига умуммиллий, метиндек мустаҳкам ғоявий бирликни қарши қўя олмасак, бу келажаги буюк Ўзбекистон сари қилаётган саъй-ҳаракатларимиз йўлида катта тўсиқ бўлиши аниқ.

ХАЛҚНИНГ ТАРИХИЙ ХОТИРАСИ ВА ХАРАКТЕРИ

Мафкураси мустаҳкам ватандошларимизга одамларнинг ихлоси жуда баланд. Ҳар кимнинг уларга янада яқинлашгиси, суянгиси, бундай кишиларни қўллаб-қувватлагиси келади. Демак, атрофдагиларни, ёшларни ғоявий бирлаштириш учун бугунги кунда фақат назарий билимларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Ана шу билимларни кучли характер билан омухта қила олиш ҳам керак. Ўтмишга мурожаат қилайлик. Тарихимизнинг турли даврларида яшаган, миллатга хизмат қилган иқтидорли ва кучли характерли алломаларимиз ўз ҳаётлари мисолида кўпқиррали ўзбек миллий характерининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатганлар.

Улуғ алломаларимиз муборак номлари ҳам, қолдирган меросларини ҳам — миллат мулки. Улар биз учун миллий ифтихорга айланган. Уларни АҚШда ҳам, Англияда ҳам, Россияда ҳам, Францияда ҳам, Хитой ва Ҳиндистонда ҳам билишади, ҳурмат қилишади.

Миллат «юраги тез ура бошлаган» онларда улуғ аждодлар ватандошлар хотирасида қад ростлаб, янги авлодларга, улар амалга ошираётган бунёдкор ишларга гўё қараб тургандек, кузатаётгандек бўлади. Халқлар тарихий бурилиш паллаларида ана шу нигоҳларни ўзларида туйиб, мамлакат, Ватан, миллат учун хоҳ жанг, хоҳ меҳнат майдонида бўлсин, мардлик, жасорат кўрсатишган. Халқимизнинг бахти шундаки, бизда дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, сиёсий ақл-идрок билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Ҳар қандай нарсанинг бирор қисмига хос хусусият шу нарсанинг ўзига ҳам хосдир, дейишади. Шу мантиқий қоидадан келиб чиқиб, алоҳида одамларда учрайдиган хислатлар шу жамият, миллатнинг характерига ҳам хосдир, дейиш мумкин. Демак, муайян кишиларнинг ҳулқи, хатти-ҳаракатларида юксак, олижаноб, умуммиллий ватанпарварлик етакчилик қилар экан, бу халқ тарихий шон-шуҳрат қозонишга қодир бўлади. Бунга эса мутараққий мамлакатлар тарихидан кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

Кунлардан бирида Людовик XIV Кольбердан нима учун у шунчалик куч-қудратга эга бўла туриб, кичкинагина Голландияни забт эта олмаётганини сўрайди. Шунда Кольбер: «Чунки, ҳазрати олийлари, мамлакат куч-қудрати унинг ҳудудларининг чексизлигига эмас, балки халқнинг характерига боғлиқ. Голландияликларнинг маънавий қудрати, ҳушёрлиги ва меҳнатсеварлиги Сизнинг улар устидан ғалаба қилишингизга йўл қўймади», дейди.

Яна бир мисол. 1608 йили Испания қироли ўзининг ишончли кишиларини Гаагага — тинчлик ҳақида музокара олиб бориш учун юборади. Қирол вакиллари йўлда кетаётиб, бир манзарани кузатишади: саккизўн киши бир кичик қайиқда сузиб келиб, қирғоққа чиқишади. Кўкаламзорда ўтириб, апил-тапил овқатланишга тутинишади. Уларнинг тушлиги нон, пишлоқ ва озроқ пиводан иборат эди.

— Булар ким бўлди? Сайёҳларми? — деб сўрайди қирол вакиллари шу ерлик бир деҳқондан.

— Йўқ. Бу кишилар штатимизнинг олижаноб депутатлари, — дейди у фахр туйғусини яширмай. Шу пайт қирол вакилларидан бири ёнидагисини ниқтаб:

— Тинчлик шартномасига рози бўлишимиз керак. Бу одамлар енгиладиган одамлардан эмас, — дейди.

Ҳа. Халқнинг ғоявий бирлиги, матонатли характери жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи омиллардан бирини ташкил қилади. Бу эса инсоннинг барча имкониятларини умумий ишга сафарбар қилади. Чунки яхшилик ва бунёдкорлик ҳар куни, ҳар қадамда рағбатга, ёмонлик ва бузғунчилик эса ҳар қадамда нафратга дуч келади. Бу эса бунёдкорлик фазилатлари ҳақидаги билимлар миллат онгидан характерига кўчганлиги ва «ишлай бошлаганлигини» кўрсатади. Ана шунинг учун ҳам билим — таълимнинг, характер эса — тарбиянинг маҳсули сифатида қўлланиб келган. Пировард натижада эса одамнинг қандай инсон эканлигини унинг характерига қараб баҳолайдилар. Билимдон кишилар — онгга, кучли характерли кишилар эса кишининг виждонига куч берадилар. Шунинг учун ҳам азалдан халқ билимдон кишиларга таъзим қилган, тан берган бўлса, кучли характерли кишилар таъсирида ҳаракатга келган, уларга эргашган.

ҒОЯ ИШГА ТУШГАНДА

Нимаики мавжуд экан, у намоён бўлади. Ғоя ҳам. Барча соҳада, ҳамма ерда, кеча-кундуз, доимо. Мисол учун, дастгоҳда ишлаётган ишчининг, пахтасини ягана қилаётган пахтакорнинг, супермаркет пештахтаси ёнида турган тижоратчининг, мураккаб операцияни амалга ошираётган жарроҳнинг, компьютерда янги илмий ишини ёзаётган олимнинг, йўловчиларни олиб кетаётган ҳайдовчининг, метро йўловчисининг, уй бекасининг хатти-ҳаракати, орзу-истаги, нияти, ишига, ўзўзига, ёнидаги ватандошига, келажакка муносабатида сезилади. Турли касбдаги, ёшдаги миллатга, динга мансуб ватандошларнинг сўз ва ишдаги бирлиги шу тариқа мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига руҳ, куч беради. Шундай экан, бу бирликнинг табиатини ўрганиш ва мустаҳкамлаш учун илм-фаннинг барча имкониятлари сафарбар қилинмоғи керак.

Жаҳон моддий ишлаб чиқариш тажрибаси технологияларни муттасил янгилаб, такомиллаштириб бормаса, илмий-техник тараққиётда улкан ютуқларга эришиб бўлмаслигини кўрсатади. Масалан, Япония қатор кўрсаткичлар, жумладан, фундаментал тадқиқотлар бўйича АҚШга тенглаша олмайди. Бироқ саноатнинг қатор соҳалари бўйича ундан илгарилаб кетган. Бу эса ИНСОН ОМИЛИ, унинг юксак, нафақат техник, балки гуманитар технологик маданияти таъминланганлиги билан боғланади. Бунга мамлакатда ишчи-ходимларда ўз корхонасига фидойиликни шакллантириш технологиясини мисол қилиб келтириш мумкин. Фидойилик ғояси қандай «ишлайди»? Буни ишчи-ходимларнинг рационализаторлик таклифларида, кашфиётларида, корхона иқтисодиёти, ходимлар фаровонлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўз-ўзини бошқаришдаги аниқ хатти-ҳаракатлар, ютуқларда кўриш мумкин.

Оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар ёш авлодларни бунёдкор ишларга амалий тайёрлаб, жамиятнинг ғоявий бирлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшади. Бу билан улар улкан ижтимоий янгиловчи вазифасини бажаради. Шу сабабли ҳам ғоявий тарбиянинг мазкур омиллари педагогик технологиялар, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллаларда ижтимоий педагогик технологияларга таяниш ғоят истиқболлидир.

БУНЁДКОРЛИК ҚУВВАТИ

Шу пайтгача ижтимоий-маънавий, ғоявий, мафкуравий жараёнларнинг амалиёти ҳақида гап кетганида аксар ҳолларда «мавҳум жараёнлар» деб қўя қолинарди. Ҳозир эса ана шу кемтик бутланиб, мамлакатимизда ижтимоий-гуманитар фанларнинг амалий, услубий йўналиши ривожланиб бормоқда. Бу эса миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари тарғиботи ва ташвиқоти учун ғоят самарали ижтимоий-технологик база етилаётганлигини кўрсатмоқда. Демак, юртдошларимизнинг ғоявий бирлиги, бунёдкорлик қуввати буюк келажакни яратиш учун зарур даражага кўтарилади. Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясида «Ўзбекистон фани: ўтмиши, бугуни ва келажаги» мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унинг ялпи мажлисида сўзга чиққан республикамизнинг етакчи олимлари ижтимоий-маънавий жараёнларни тадқиқ қилиш, моделлаштиришни аниқ фанлар услублари ёрдамида амалга ошириш мумкинлигини исботлаб бердилар. Демак, биз ижтимоий-маънавий, мафкуравий жараёнларни ўрганиш ва ўзгартиришнинг янги, универсал услубиятини яратишга яқин турибмиз. Чунки, маънавий-маърифий тарғибот ишини илмий асосга қуриш бу соҳанинг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганиб, умумлаштириш, уни ишга солиш борасида тажрибалар тўпланмоқда. Бу йўлда саъй-ҳаракат қилаётган республика Маънавият ва маърифат Кенгаши миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини кенг жамоатчилик онги ва қалбига янада чуқур сингдириш, одамларда мустақил фикрлаш даражасини оширишга кўмаклашиш, ёшларимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашган дунёқарашни шакллантириш каби муҳим вазифаларни адо этмоқда.

Давлат Фан ва техника қўмитаси томонидан республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг бундай кенг қўламли тарғибот-ташвиқотчилик фаолияти қўллаб-қувватланиши туфайли тарғибот билан тадқиқот бирлашмоқда. Бу ва шу каби мисоллар мамлакатимизда умуммиллий ғоявий бирликни таъминлашнинг янги, илмий асосланган механизми бунёд этилаётганлигидан далолат беради.

БУЮК КЕЛАЖАКНИ ЯРАТУВЧИ, УНДА ЯШОВЧИ ҲАМ — ЎЗИМИЗ

Ҳозирги даврда умумий мақсад, яъни эркин, озод ва обод Ватанни барпо этиш ва унда яшаш йўлида одамларнинг ғоявий-руҳий бирлиги, улардаги ўзаро ҳамкорликка тайёрлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу эса жамиятнинг энг фаол, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган катта қисмига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилади. Чунки мамлакатнинг бугуни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этаётган кишиларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятига, тинимсиз меҳнатига боғлиқ. Шу сабабли жамиятнинг ишлаб чиқарувчи, фаол қисми илмий асосланган, маънавий-маърифий ишларнинг биринчи даражали объектига айланмоғи керак ва шундай бўлаяпти ҳам.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашида бу йўналишда қатор маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Истиқлолимиз — истиқболимиз», «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» шиорлари остида сайёр, доимий илмий-амалий семинарлар республикамизнинг энг олис қишлоқларида, маҳалла, овулларида ҳам ташкил этилди. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини оддий, содда баён қилувчи воизлар гуруҳлари тузилиб, уларга халқ орасида обрў-эътиборли, фидойи зиёлилар жалб этилди. Ёзувчи ва шоир, санъат арбоби ва олимлардан иборат жамоатчи тарғиботчилар ўз оташин сўзлари билан ғояларимизнинг ҳар бир тингловчи онги ва қалбига етиб боришига интилмоқдалар.

Миллий ғоя шу тариқа англаниб, ҳар бир ўзбекистонликнинг шахсий ва миллий муштарак манфаатларига боғлангач, унинг ҳаётига алоҳида руҳий кўтаринкилик бахш этади. Бундай ҳаётбахш ишонч билан руҳланган ватандошларимиз ўтиш даврида учрайдиган муаммоларни матонат билан енгиб, буюк келажакни бунёд этиш йўлида собит қадам ташламоқдалар.

Эртанги кунига, истиқболига қатъий ишонган миллат ҳеч қачон кам бўлмаган. Озод ва обод Ватан барпо этишни орзу қилиб, унга интилаётган халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик йўлини танлаган. Бу йўл бизнинг истиқлол ва истиқбол йўлимиздир.

■ **Аслиддин БОЛИЕВ, Муҳаммад ҚУРОНОВ**

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРИШЛАР КАМАЙДИ

Республикамизда кичик ва ўрта тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиляпти. Лекин ҳали ҳамма жойларда ҳам уларга етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда, деб бўлмайди. Жойлардаги ҳамма раҳбарлар тадбиркорларга эшикларни ланг очиб қўйибди, дейишга ҳам бироз эрта. Шу боис тадбиркорлар ҳимоясига эътибор қаратиш муҳим масалалардан биридир. Бу борада Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бир қанча ишларни амалга оширмоқда.

2000 йилда бошқарма томонидан мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида 17.767.336 сўмлик даъво аризалари киритилди ва айбдор шахслардан 12.000.000 сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар ундирилди.

2000 йилнинг биринчи чорагида шаҳардаги назорат қилувчи органлар — меҳнат бош бошқармаси бўлими томонидан 9 та, «Авиабанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан 4 та, Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг туман инспекциялари томонидан 1523 та текширувлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича ишчи комиссияси рухсатисиз ўтказилган бўлса, тарғибот-ташвиқот ишларининг изчиллик билан амалга оширилиши, айбдор шахсларга интизомий жазо қўлланилиши, тадбиркорларга Адлия вазирлиги томонидан жорий этилган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг тарқатилиши натижасида кейинги чораклада Кенгаш рухсати олинмасдан ўтказилган текширишлар сони кескин пасайиб, бундай текширишларни бармоқ билан санаш мумкин бўлиб қолди.

2001 йилда ҳам ноқонуний текширишларга барҳам бериш учун барча чоралар кўрилмоқда.

2000 йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳар судлари томонидан 162 та тадбиркор судланган бўлса, тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимояси изчиллик билан амалга оширилиши, тадбиркорларнинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилишига сабабчи бўлган мансабдор шахслардан тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни суд орқали ундирилиши, суд жараёнларининг «Ахборот», «Пойтахт» телекўрсатувлари орқали намойиш этилиши натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан судларга юборилган ва кўрилиб ҳукм чиқарилган ишлар сони 37 тани ташкил қилди, холос. Яъни тадбиркорлар судланиши 5 баробарга камайди.

Шу давр мобайнида 2000 йилнинг биринчи чорагида судлар томонидан оқланган ёки ишлар ҳаракатдан тугатилган тадбиркорлар сони кўп миқдорни ташкил этган бўлса, 2001 йилнинг I чорагида бу сон 1 тани ташкил қилган.

Давлатимиз бозор муносабатларига ўтиш сиёсатини танлаб, шу йўлни ўзига мақсад қилиб олган экан, биз барчамиз мамлакатимизда шу сиёсатни тўла-тўкис амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишимиз лозим. Шунинг учун давлат хизматчиларининг барчаси ҳам, у қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, тадбиркорларга қонуний ёрдам беришни ўзининг мақсади қилиб олиши керак.

■ **Эркин ПАРДАЕВ, Тошкент шаҳар Адлия бош бошқармаси бўлим бошлиғи, Одилжон АЛЛАЕВ, бошқарма мутахассиси**

ХДП ХАБАРИ

ЭРКИН ФИКР БАЁНИ

Бундан бир ярим йил муқаддам республикамизда АҚШнинг «Винрок Интернэшнл» маркази фаолият бошлаган эди. Ҳозирда бу марказ ҳақида Наманган вилоятида ҳам кўпчилик муайян тасаввурга эга.

Марказ тренерлари Элмира Дадабоева, Дилбар Акрамова ва Назира Раҳимжоновалар ЎзХДП вилоят кенгашида тренинг ўтказдилар.

Аввало, тренинг ҳақида. Тренинг ҳам семинардай гап. Фақат биз ўрганган семинардагидек саноқли киши ақл ўргатиб, қолганлар жим ўтирадиган тадбир эмас. Кимки қатнашаётган бўлса фикрлайди, мавзу доирасида ўз муносабатини изҳор эта олади.

Вилоят партия кенгаши ва ДЭН аёллар заҳира маркази биргалиқда аёлларнинг ҳуқуқий билимларини, хотин-қизларнинг етакчилик қобилиятларини оширишни асосий мавзу қилиб белгиладилар. Вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг масъул ходимлари ва партия фаоллари қатнашган тадбирни вилоят партия кенгаши биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаева очди.

Зўравонликсиз фалсафаси асосидаги машғулотлар қизиқарли, таҳлилий, энг муҳими эркин фикрлаш асосига қурилган, тренинг қатнашчиларини фавқулодда фаолликка чоғлади. Вилоят кенгаши масъул ходимлари С. Ҳамдамова, Э.Абдуллаев, шоира Тўхтахон Раҳимова, Мингбулоқдан Мўминжон Маматовлар мавзу бўйича ёркин фикрлар айтдилар.

Жамиятда эркак ва аёл ўрни, фарзандларни шахс сифатида улғайтириш, фикрни бўғмаслик, ихтиёрийлик, сир сақлаш салоҳияти устидаги баҳслар кўпчиликнинг янги қарашларини уйғотди, мулоҳазаларини чарҳлади.

Ҳаяжонлиси, қатнашчилар якдил, ҳамжиҳат, бир-бирларига эзгу тилаклар изҳор этиб тарқалишди.

Худди шундай машғулотлар туман партия кенгашлари мутасаддилигида жойларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

РАҲБАР ЎЗГАРГАЧ...

ёки «Ҳамидулло» ҳиссадорлик жамиятидаги бугунги аҳволга бир назар

Ўтган йили «Ҳамидулло» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида орқага кетиш юз бера бошлаганди. Чунки корхонанинг ойлик маош ва бошқа тўловлардан 26 миллион сўмдан ошиқ қарзи бор эди.

Тавба, ишчи кун бўйи меҳнат қилса-ю, манфаат кўрмаса...

Шу йил февраль ойида жамиятга янги раҳбар келди. Хўш, янги раҳбар пойтахтимизда уй-жой қурилишлари учун асосан эшик ва ромлар тайёрлаб берадиган мазкур корхонада ишни нимадан бошлади?

— Энг аввало, бу ерда меҳнат қилаётган кишиларнинг руҳини кўтардик, — дейди бошқарув раиси Саидазиз Хўжааҳмедов. — Шу боисдан айни кезда бу ерда ишлайдиганларнинг сонини 105 нафарга чиқардик. Олти-етти ойлаб ойлик маошларини ололмаётган ишчиларга иш ҳақларини пешма-пеш тарқата бошладик. Ўтган уч ойда истеъмолчиларга 30 миллион 930 минг сўмлик тайёр маҳсулот жўнатдик. Кейинги ойлардан бошлаб бу миқдордаги маҳсулотларни бир ойдаёқ ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бу ўз навбатида раҳбарият олдига улкан масъулият юклайди. Бунинг учун маҳсулотлар сифатига эътибор қаратаяпмиз. Иложи борича таннархни тушириш борасида ишлаяпмиз. Шунингдек, электр қувватидан, хомашёдан тежаб-тергаб фойдаланаяпмиз. Мана шуларнинг ўзи бизга катта имкониятлар калитини тутқазади.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

Суратда: 1. Ҳиссадорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Мақсут Саидов дурадгор Ҳикматулла Хошимов билан суҳбатлашмоқда.

БАНК ВА МИЖОЗ

ДОН ВА НОН СЕРОБЛИГИГА ДАХЛДОРМИЗ

Республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»нинг Навоий вилоят бўлими бошқарувчиси Салоҳиддин Самадов билан мулоқот



— Салоҳиддин Исматович, сиз раҳбар бўлган банк ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан аграр сектор, яъни эл маъмурчилиги билан уйғундир. Шу боис ҳам илк саволни жорий йил ғаллачилигидан бошласак. Айтинг-чи, вилоятда ризқу насибамиз манбаи бўлган дончилик қай аҳволда?

— Банк ходимларининг асосий эътибори вилоят ғаллачилигига муносиб ҳисса қўшиш, бу соҳа аҳлини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Қачонки, ғаллакор, якка деҳқон-фермер ҳамда қатъий шартномага эга бўлган шартномачи унумдор ер ва сув ресурсларига, молиявий таъминотга эга бўлсагина ишида барака ва салмоқ бўлади.

«Навоий дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти ҳамда вилоят Дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси билан яқин ҳамкорлигимиз жуда қўл келмоқда. Улар билан келишилган ҳолда ўтган 2000 йил ғалла ҳосили учун жойлардаги ғаллакор хўжаликларга, якка тартибда фаолият кўрсатаётган деҳқон-фермерларга 12 та транш орқали 1291 млн. сўмлик маблағлар ажратилиб, шу йилнинг ўзида барча хўжаликлар билан тўла ҳисоб-китоб қилишга эришилди. Бугунги кунда 2001 йил ғалла ҳосилини етиштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун 15 та транш бўйича 709,1 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилди.

— Маълумки, мазкур банк кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳам масъулдир. Шундай экан, банк билан қатъий ҳамкорликка эга бўлган ишбилармон, тадбиркорлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Чиндан ҳам, банкимиз мақсади тадбиркорларни молиявий қўллаш, асосли лойиҳаларни кредитлаш асосида маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга, янги ишчи ўринлари яратилишига амалий ёрдам бериш. Банкимиз тасарруфидаги тадбиркорлар юздан ошиб кетди. Уларга шу кунга қадар жами 86,2 миллион сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратилди. Бу ўринда, айниқса, 14 та юридик мақомга эга бўлган хусусий фирма ва фермерлар фаолиятини алоҳида қайд этмоқ лозим. Биргина ана шуларнинг ўзига 42,9 миллион сўмлик кредит берилди. Шунингдек, фаолияти яхши бўлган 6 та якка тартибда иш юритувчи тадбиркорга ҳам 12,6 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада аҳолининг гўшт, сут, нон ва нон маҳсулотларига, шунингдек, маиший хизмат турларига бўлган эҳтиёжи бирмунча қондирилди. Энг муҳими, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 50 га яқин турдош, муқим ишчи ўринларининг яратилганидир. Бу иш ўринларида айни кезда навоийлик кўплаб йигит-қизлар фаолият кўрсатишаяпти.

— Бугунги замон ёхуд бугунги нархнаво ҳар бир банк учун айланма ва капитал маблағни муттасил кўпайтиришни, бунинг учун кўп сонли мижозга эга бўлишни тақозо этади-да...

— Дарвоқе, замонага қараб замонасозлик қилмаган банкнинг келажаги йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини қайта ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармони банкларнинг нафақат тадбиркорлар билан яқиндан ҳамкорлик асосларини, балки банкларни кредитлашнинг янги механизмини, аҳоли бўш пул маблағлари билан ишлаш, капиталлашувни тезлаштириш борасидаги асосий йўналишларни ҳам белгилаб берди. Иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатлари даврида аҳолининг бўш маблағларига кўпроқ таяниш, пул муомаласини узвий барқарорлаштириш, айниқса, эмиссия даражасини қисқартириш ҳар бир банк тизимининг асосий тамойилидир. Мижозларимиз умумий сони 368 тадан ошиб кетди. Шулардан 206 нафари жисмоний шахслардир. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мижозларимиз 107 кишига ортди. Аҳоли жамғармаларига жалб қилинган маблағлар 12,0 млн. сўмдан ошди ёки январга нисбатан 8,0 млн сўмга кўпайди. Банкимиз учун белгиланган нақд пул тушуми режалари ортиғи билан 120-130 фоиз қилиб бажарилмоқда.

Агар жорий йил биринчи чораги якунини ҳисоблайдиган бўлсак, банкимиз қарийб 4,5 миллион сўмлик соф фойдага эга бўлди. Банк устав капиталини кўпайтириш асосий вазифамиз саналади. Бу ўринда қўшимча ресурслар, банк акциялари қўл келмоқда. Амалдаги йилнинг ўтган ойларида 11,5 миллион сўмлик акциялар сотилишига эришилди. Айни пайтда банк ресурслар ҳажми 691 миллион сўм бўлиб, шундан банк томонидан жалб қилинган маблағ 35,5 миллиондир.

■ **Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

ТЎФОН САБАБ

«Ютор» тўфони Филиппин ороллариии ҳам тинч қўймади. Хабарларга кўра, тўфон туфайли ҳозиргача 33 киши қурбон бўлган, етти киши бедарак кетган. Кучли шамол дарахтларни қўпориб, электр узатиш тармоқларини ишдан чиқарди. Табиий офат қуршаб олган ҳудудда транспорт ҳаракати бутунлай тўхтаган.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

Германиянинг собиқ канцлери Гелмут Колнинг синглиси Ганнелоре Кол ўз жонига қасд қилди. Ўлимидан олдин қариндошларига қолдирган хатида ёзилишича, у узоқ давом этган бедаво хасталик туфайли шундай қилишга мажбур бўлган.

МУҲЛАТ — 15 КУН

Литва Президенти Валдас Адамкуснинг фармонига кўра, янги ҳукумат раҳбари этиб 68 ёшли Альгирдас Бразаускас тайинланди. А.Бразаускасга янги ҳукумат таркибини тузиш учун 15 кун муҳлат берилди.

Янги бош вазир номзоди президент томонидан 2 июль куни кўрсатилганди. Мамлакат парламенти уни расман тасдиқлади.

БУГУНГИ ШАНХАЙ



■ Муҳаммад АМИН олган сурат

АВТОБУС ҲАЛОКАТИ

Германиянинг Мерсебург шаҳри яқинида француз сайёҳлари минган автобус ҳалокатга учради. Хабарларга кўра, сайёҳлардан беш нафари ҳалок бўлган, учтаси жароҳатланган.

ҚЎМИТА ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛАНАДИ

Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) президенти Хуан Антонио Самаранч ҳозир Москвада. У қўмитанинг 112-сессиясида иштирок этиш учун Россияга келган. Самаранч йигирма бир йил аввал айнан Москвада ХОҚ раҳбари этиб сайланган эди.

Сессия 16 июль куни якунланади. Шу куни қўмитанинг янги президенти сайланади.

ОПЕРАЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАЙЁР

Германия ташқи ишлар вазири Й.Фишер немис аскарлари НАТОнинг Македониядаги операциясида иштирок этишга тайёр эканини маълум қилди. Й.Фишернинг айтишича, Македониядаги тўқнашувлар туфайли Болқон минтақасидаги вазият кескинлашиб кетиши, бундан келиб чиқадиган муаммолар эса Европа бўйлаб тарқалиши мумкин.

ПРОТОКОЛГА ҚЎШИЛМАЁТГАНИ УЧУН...

Бразилия Президенти Энрики Кардозу АҚШ маъмуриятини Киото протоколига қўшилмаётгани учун кескин танқид қилиб, Жорж Бушни БМТнинг ушбу муаммога бағишлаб ўтказаётган анжуманларида иштирок этишга чақирди. Шунингдек, у ўз мамлакати Киото протоколи шартларига амал қилажаги ва бу масалада орқага қайтмаслигини маълум қилди.

СЕРЖАНТ СЎРОҚ ҚИЛИНАДИ

Узоқ давом этган музокаралардан сўнг АҚШ ҳукумати япон қизининг номусига тегишда гумон қилинаётган америкалик сержантни Япония полициясига топширишга розилик берди. 24 ёшли сержант Тимоти Вудлэнд энди маҳаллий полиция томонидан сўроқ қилинади.

САМОЛЁТ АВИАБАЗАГА КЕЛТИРИЛДИ

АҚШнинг Хитой ҳарбий самолёти билан тўқнашиб кетган «ЕР-3» русумли айғоқчи самолёти Жоржия штатидаги Доббинс авиабазасига келтирилди. Хабарларга кўра, у Россияга тегишли «Ан-124» юк самолётига ортиб олиб келинган.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Сиз аҳоли омонатлари давлат томонидан кафолатланган банкни биласизми?

ҲА, ТЎҒРИ ТОПДИНГИЗ — БУ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИДИР.

2001 йил 1 мартдан мижозлар эътиборига ҳавола этилган Халқ банкининг «Аср совғаси», «Бахтли болалик», «Кексалик гашти» омонатлари қисқа давр ичида замондошларимизнинг ҳаётбахш умидларини ҳақиқатга айланишида яқин молиявий кўмакдош бўлди. Ушбу омонат турлари бўйича 3 ой муддат ичида 15 мингдан зиёд ҳисоб рақамлари очилганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Халқ билан ҳамнафас Халқ банки ватандошларимизга янги турдаги «Кафолат» омонатини тақдим этади. «Кафолат» омонатига 10 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда кирим бадали қўйиб, ойлик 2 фоиз миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз. Мазкур омонат олти ойлик муддатга қабул қилиниб, сақлаш муддати тугагач, Сизнинг мурожаатингизсиз ҳам банк омонат қолдиғига фоиз даромадларини қўшади ва омонатни кейинги муддатга узайтиради.

«Кафолат» омонати — Сизнинг орзуингизни қисқа муддатда рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

Кафолатли банкнинг кафолатли омонатлари доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР

Тарихий манбалардан маълумки, ҳар бир мамлакатнинг жаҳоншумул мавқеи фуқароларининг мушоҳадаси кенглиги, «дунё кўрган» қалам аҳлининг қолдирган асарлари билан ўлчанган.

Ҳиндустоний тиллардан яхши хабардор жаҳонгашта адиб ва таниқли публицист Дадахон Нурий ҳам мустақил Ўзбекистонимиз номини оламга танитиб юрганлардан. Айниқса, Ҳиндистон ярим ороли мамлакатларида унинг номи таниқли.

Ҳинду Покистонни қўя турайлик, узоқ Шри Ланкада ҳамкасбларимиздан бири тасодифан «Дадахан Сахиб» билан танишлигини айтиб қолади. Ўша заҳоти уни қўярда қўймай меҳмонга олиб кетишади. Росмана учрашувлар уюштиришади...

Адиб мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида ўзининг «Бойсун жунглиларидан Канди ўрмонларигача» номли янги сафарнома асарини ёзиб тугатди. У ҳозир «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилиш арафасида.

Газетхонларимиз диққатига шу асардан бир бобини ҳавола этамиз.

ГАВЖУМ ВА БЕЗОВТА КОЛОМБО КЎЧАЛАРИДА

Дўстим Асқар Муса жининг меҳмони бўлиб келганимга бир ҳафтадан ошяпти. Шу кунларда мен учун фақат азобнинг ўзгинаси бўлди: хизматкор, тўғриоғи, доимий ҳамроҳим бир минут ҳам ҳоли қўймайди. Овқатланишга ўтирмасимдан аввал стулни тўғрилаб туради, тарелкаларга бир чимдимдан минг хил масаллиқ солиб, қошиқни олдимга қўяди (Сал қўйиб берсам, едириб қўйишга ҳам тайёр). Кейин, ёнимда ғўддайиб туриб олади. Ҳар дақиқа қоғоз «сочиқ»ни қўлимга тутишга шай.

Кўчага чиқсам соядай орқамдан эргашади. Тез юрсам, қадамини тезлатади, секинласам-секинлайди. Йўлимиз офтоброқ жойга тушиб қолса, қўлидаги соябонни шилқ эткизиб очиб, тепамга тутади. Тўғри, жазирама қуёш нуридан пана қилгани яхши. Лекин мен қаёққадир қочиб қоладигандай қадамини шундай яқин ташлайдики, оёғимнинг қайсинисидир босиб олиб, бир кор-ҳол чиқармасайди, деб юрагимни ҳовучлаб юраман.

Гапнинг очиғи, дўстимни тушуниш мумкин: иззат-икром юзасидан бегона юртда қийналмасин деб шундай содиқ, чаққон ва чапдаст ҳамроҳни менга боғлаб қўйибди.

Лекин бахтиқаролигим шунда эдики, Жаянта исмли, мўйлови эндигина сабза ура бошлаган бўлса ҳам гавдали, норғул бу йигит сингалчадан бошқа бирон тилни билмасди. Ҳиндустани (бу ердаги анча нуфузга эга бўлган мусулмон аҳолининг кўпчилиги биладиган тил)да ёки чалачулпа қилиб инглизчада бирон калом айтсам, бошини сараксарак қилганича «Жи, сэр!» дерди-да, кўзини мўлтиллатиб қараб тураверарди.

Мен унга кўп овора бўлаверма, қачон керак бўлсанг, ўзим чақиртираман, деб қандай тушунтирай! Дарвоқе, имо-ишора билан мақсадимни англатмоқчи бўлдим. Бироқ, бу «тил» ҳам биздай соппа-соғ одамларга бегона эканлиги дарров билиниб қолди.

Пойтахт Коломбони дурустроқ томошалашга ушбу доимий ҳамроҳим билан чиқадиган бўлдим.

Гавжум шаҳарнинг қоқ марказига жойлашган улкан ёдгорлик мажмуи киши диққатини дарров ўзига тортади. У ерда Цейлон (ҳозирги Шри Ланка)нинг биринчи президенти Синакайтенинг маҳобатли ҳайкали бор.

Сал берироқда Соломон Бандранайке номли халқаро анжуманлар ўтказиладиган улкан конференсзал биноси кўкка бўй чўзиб турибди. Унинг рўпарасида Будданинг баҳайбат ҳайкали кўзга ташланади. Ҳайкални чирмовиқ ўтлар босган.

Шаҳарнинг бир томонини уммон тўлқинлари ювиб турувчи сўлим кўчалари бўйлаб юрарксанси, қирғоқдаги ўнлаб мустаҳкам тош супалар устига ўрнатилган замбаракларга кўзингиз тушади. Уларнинг оғзи қачонлардир тез-тез шаҳарга бостириб келиб қолаётган қароқчи кемаларга қарши қаратилган. Ҳозир бу замбараклар вақт ўтиши билан чириб, занглаб ётган бўлса-да, мамлакат мудофаасининг тарихий рамзи сифатида ҳамон сақланиб турибди.

Коломбода биздагига ўхшаш маҳалла кўчаларини эслатувчи мавзелар анчагина. Ҳатто гузарлари ҳам бор. Шу жойларни кезарксанси, йўлнинг икки томонига қурилган олди дарвозали бежирим ҳовлиларга кўзингиз тушади. Уйларнинг томи бир хил қилиб, черепица билан ёпилган. Мевали дарахтлар кўп. Улар ғарқ пишган ёки эндигина гулини тўкиб, нишона бера бошлаганлигига қараб, қай пайтда экилганлигини билиб олишингиз мумкин.

Ҳар бир ҳовлининг дарвозаси ёнида албатта атрофига турфа гуллар экиб, тарашлаб қўйилган кўм-кўк майсазор майдонча бор. Бу жойларда ҳаво шу даражада беғуборки, хизматкор ялтиллатиб артиб, кийдириб қўйган туфлингизга кун бўйи юрсангиз ҳам гард юқмайди.

Бироқ, савдо-сотиқ расталари билан тўлиб-тошган шаҳарнинг Петтаха сингари мавзе кўчаларига кириб қолсангиз бошингиз айланиб кетади. У ердан чиқиб олишингиз амримаҳол. Сотувчи-олувчи, харидору бекорчининг кўплиги; йўллар бўйига уйиб ташланган мева-чева, сабзавот маҳсулотлари; Япония, Америка, Филиппинда ишлаб чиқарилган радио-аудиотехник асбоблардан тортиб, Хитой-Тайван кийим-кечаклари, қаёққа қараманг кўзингизни олгудай ҳинд кинофильмларининг рангин рекламалари орасида гангиб юраверасиз. Коломбо кўчалари бўйидаги яна бир нарса одам диққатини ўзига тортмай қолмайди. У ҳам бўлса шортик кийиб, чўмилиш либосида жамоат жойларида юришни тақиқловчи эълонларнинг кўплигидир. Шу кийимдаги эркак-аёл сурати устидан қизил чизиқ тортилиб, «Қатъий ман этилади!» ёзуви битилган огоҳнома тахталари ҳар қадамда учрайди. Ҳатто сайёҳлик чипталарининг алоҳида жойида ҳам тақиқ этувчи шу суратларга ўрин берилган.

Демак, ўта байналмилал, ҳар йили дунёнинг жуда кўп мамлакатларидан миллионлаб сайёҳлар келиб кетадиган Шри Ланка аҳли орасида шарм-ҳаёнинг қадри баланд экан-да! Чинданам атрофга назар ташлаб, таъқиқланган «либос»даги бирон одам зотини кўрмадим.

Шунда беихтиёр ёзнинг иссиқ кунлари Тошкент кўчалари, бозорларида пайдо бўлиб қоладиган, жун босган бесўнақай оёқларини кўз-кўз қилгандек тўпиқдан юқорилатиб «шортик» кийган сўлқмондай йигитлар — ҳаммиллатларим кўз ўнгимда гавдаланиб кетди. Уларнинг кимларгадир тақлид қилувчи беҳаёларча бефаросатлигидан, маъмурларимизнинг эса бефарқ, қадриятсизлик ботқоғига ботиб ётганидан юрагимда оғриқ турди.

Айланиб юриб Пасмед плаза кўчасига чиқиб қолдик. Бу кўча Шри Ланка халқи ўзининг доҳийси сифатида қадрлайдиган, адолатпарвар инсон Соломон Бандранайке номи ва ҳаёти билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳга айланган. Бош вазир мана шу ердаги оддийгина ўз ҳовлисида яшаган. Давлат бошлиғи учун яратиладиган барча имтиёзлардан воз кечган, ҳеч қандай қўриқчисиз юрган ва яшаган. Ҳар қандай одам ҳузурига — унинг уйига монеликсиз кириб келавериши мумкин бўлган. Кунлардан бир кун эрталаб эшиги олдида маҳаллий Будда коҳини пайдо бўлади. Бош вазир уни иззат-икром билан кутиб олади, шарқона одоб юзасидан тўрга ўтқазмоқчи бўлади. Бироқ, нияти бузуқ коҳин бу инсоний муносабатга ваҳшийлик билан жавоб қайтаради — ёнидан қурол чиқариб, олтмиш ёшли мамлакат бошлиғига ўқ отади.

«Уни жазоламанглар. Қўйиб юборинглар!» — Бандранайкенинг касалхонада айтган охирги сўзлари шу бўлган.

Бош вазир яшаган маҳалла мавзеида катта хиёбон барпо этилган. Гуллар билан қопланган кўм-кўк майдон ўртасида рус ҳайкалтароши томонидан ясалиб, Шри Ланка ҳукуматига совға этилган маҳобатли ҳайкал кўзга ташланиб турибди.

Ҳаво ниҳоятда исиб кетди. Гарчи уммон томондан салқин шабада эсаётгандай туюлса-да, тепага кўтарилиб олган қуёшнинг ўткир нурлари бошни қиздириб, одамни лоҳас эта бошлади. Бундай пайтда ё соябон жонга оро киради ёки одам ўзини соя-салқинга уради.

Биз ҳам шаҳар айлана-айлана чарчагандик. Бандранайке хиёбони атрофидаги палма дарахтлари остига ўрнатилган скамейкалардан бирига ўтирдик. Ҳамроҳим Жаянта наридан тўрт бурчак чиройли қоғоз халтачада сўғичли ананас шарбати кўтариб келди. Муздай экан, мириқиб ичдик.

Бир маҳал қарасам, Жаянта ёнбошлаб ўтирган жойида кўзлари юмилиб, пинакка кетиб бораяпти. Кечаси бирон юмуш билан овора бўлиб, яхши ухлолмаганми, эрталабдан анча хомуш кўринарди. Уни аста туртиб, нарироқдаги момиқ майсалар қоплаган майдонга, у ерда бемалол оёқларини узатганича ётиб олиб (бу ерда одатий ҳол), ҳордиқ чиқараётган кишиларга ишора қилдим — сен ҳам озгина мизғиб ол, дедим. Бироқ, у кўзларини катта очиб ҳушёр тортгандай менга қаради. Бу қарашидан «Йўқ, асло мумкин эмас!» деган маънони англаш мумкин эди.

Машина соат иккиларда мана шу хиёбон олдидан бизни олиб кетиши керак эди. Қарасам, ҳали анча вақт бор. Бекор ўтираманми, дедим-да, ўрнимдан турдим. Жаянта ҳам дик этиб қўзғолмоқчи эди, елкасидан босдим, туришга қўймадим. «Сен дам олиб ўтир, ҳов, анаву катта майдонга тўпланган оломон олдига борай-чи, нима гап! Бунақалар сенинг жонингга теккан, менга қизиқ!» деган иддаони бир амаллаб тушунтирдим. Қўлимдаги соатнинг «2» рақамига ишора қилиб, қайтиб келаман, дедим. Ҳар тугул содиқ қўриқчим тушунди: оппоқ тишларини кўрсатиб, илжайганича бошини сарак-сарак қилди. Бу розиман дегани эди. Мен майдонга яқинлашганимда ҳар томондан тумонат одам оқими қуюлиб келар, майдон майдон эмас, баҳайбат ўпқон каби уларни ўз домига ютиб юбораётгандек эди. Қизиқувчанлик қурсин, мени ҳам оломон ўз домига тортиб кетди. Қандай қилиб, безовта уммондай чайқалиб, ҳар томонга ўзини ураётган «оқим» ичига шўнғиб кетганимни билмайман.

Бундоқ бошимни кўтариб қарасам, эллик-олтмиш қадам наридаги атрофи ҳаворанг мато билан ўроғлик, икки ёнбошида байроқ ҳилпираб турган баланд минбарда, енги калта нимча кийган нуроний бир киши берилиб нутқ ирод этяпти. Салобатли, босиқ овози карнайлар ёрдамида ҳар тарафдан жаранглаб, акс-садо бермоқда. Аҳён-аҳёнда уни қўллаб-қувватловчи ҳайқириқ наъралар эшитилиб қолади.

Афтидан, яқинлашиб келаётган сайлов олдидан обрўли қайсидир партия ўз тарғибот митингини ўтказаётганди.

Бир пайтлар хориж сафаридан олдин бундай ғиёсий митинглар, давра гурунгларида иштирок этишдан ўзни тийиш ҳақида масъул кишилар суҳбат ўтказиб, «тушунтириш» бергандилар. Беихтиёр, ўша эсимга тушиб қолди-да, амаллаб «давра»дан чиқиб кетмоқчи бўлдим. Худди шу пайт... даҳшат билан нимадир портлади-ю, ер титраб кетгандай, осмон тарс ёрилиб, ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборгандай бўлди.

Минбардан ўн беш қулоча баландликда тўзиган каптарлардай одамми... уларнинг оппоқ кўйлаккийимларими... учиб юргандай бўлиб кўринди, кўзимга. Тепадан парчаланган нималардир тушиб, кийимларимда қизғиш, одамни сескантирадиган «доғ»лар қолди.

Бошвоқсиз оломон бирбирини босиб-янчиб, ҳайвоний важоҳат билан орқага чекинар, дод-фарёддан бутун борлиқ ларзага келарди.

Кимлардир оёқ остида қолиб кетди, кимлардир қулаб тушмаслик учун жонжаҳд билан бир-бирини суяди, иложи борича жаҳаннам дошқозонидан ўзини нарироқ олиб қочишга ҳаракат қилди.

Бундай пайтда салгина сусткашлик ёки эпчиллик ҳаёт, ё ўлим орасидаги дақиқалар тушунчаси билан тенг эканлигини ички бир сезги орқали англаб қолларксан, киши! Важоҳатли тўлқин мени юз тубан ерга чилпарчин қилиб, қуюндай ўтиб кетишига бир баҳя қолди.

Хайрият, елкамдан кимдир суяди, қаддимни ростлаб олдим...

Бош вазир хиёбонидаги гиламдай кўм-кўк момиқ майсалар устида қанча вақт ётганимни билмайман.

Бир пайт устимда парвона бўлаётган хизматкор Жаянтага кўзим тушди. У шоша-пиша бу ердан тезроқ кетишимиз зарурлигини тушунтирди. Мени турғизиб, одам билан тўлиб бораётган кўчага эмас, хиёбонни кесиб ўтувчи сўқмоқ йўл тарафга бошлади...

Кечга яқин радио ва телевидение мамлакат Бош вазири Премидаснинг яқин сафдошларидан бири сайловолди митингида экстремистик ғаламис гуруҳлар томонидан амалга оширилган бомба портлаши натижасида ҳалок бўлганлиги, жуда кўп бегуноҳ қурбонлар, ярадор бўлганлар борлиги хусусида хабар берди.

Эртасига матбуот неча киши бомба портлаши, яна нечтаси оммавий тала-тўпда оёқ остида қолиб ҳалок бўлганлиги ҳақида полиция маҳкамасининг баённомасини босиб чиқара бошлади.

Қодир эгам мени бу сафар ҳам бир ўлимдан асраганига шукроналар қилдим.

Жаянта иккимиз бошимга тушишига оз қолган кўргилик ҳақида «хўжайин»га айтмаслик ҳақида келишиб олгандик. Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолди.

Дўстимнинг менга қарата айтган гапи шу бўлди: «Яхшиям, сизлар Митинглар майдонидан анча берида экансиз».

Шаҳар сайридан кўнглим бироз ҳижил бўлиб қайтганимни мезбоним барибир сезди.

Эртасига кечқурун унинг уйига мени йўқлаб эллик ёшлар чамасидаги қорачадан келган, зуваласи пишиқ бир жаноб кириб келди.

Бироз шикаста рус тилида:

— Ратна Вардена! — дея қўлини узатди ва қўшиб қўйди: — «Ратна трейбулз» сайёҳлик компаниясининг бошлиғиман.

Бу илашимли жаноб билан тезда тил топишиб олдик.

Гап орасида:

— Бундан тўқсон йилча муқаддам Чехов Цейлонда бўлган деган тахминлар бор экан, москвалик хирург Григорий Серфимовичдан эшитдим. Ёзувчи қадамжоларини биргаликда излаётган эмишсизлар. Натижа чиқдими? — дея суҳбатдошимни саволга тутдим.

— Ҳаракат қилиб ётибмиз! У пайтлардаги чет элдан келганлар қўноқ топадиган меҳмонхоналарнинг кўпи бузилиб, ўрнига янгилари қурилган. Шунинг учун архивдан бирон маълумот топиш қийин бўляпти.

Ратна Москвада ўтказган талабалик йиллари, Ўзбекистонга сафар қилиб, у ердан олган таассуротлари ҳақида тўлқинланиб гапираркан:

— Сизга бир нарса айтайми? — деди.

— Айтинг! — дедим.

— Бизнинг юртимиз Шри Ланкани кўриб турибсиз, ҳақиқий жаннат дейдилар. Унинг сахий заминида ўсибетилган, манаву олтиндай товланиб турган меваларнинг хилма-хиллигини қаранг! — Ратна жаноблари тўкин дастурхонга ишора қилиб қўйдида, бир менга, бир хонадон соҳибига қараб сўзида давом этди. — Лекин бир нарсани тан олишга мажбурман: катта магистрал йўлдан Самарқандга кетаётиб, шофёр машинани тоғдай қилиб уйиб қўйилган қовунлар рўпарасида тўхтатди. Улардан биттасини олиб сўйди. Турган жойимизда уч-тўрт тилимдан едик. Мен бундай лаззатни ҳали ҳеч бир жойда ҳис этмадим. Ҳамон ўша қовунлар мазаси оғзимда, анқиб турган муаттар ҳиди димоғимда. Аслида, жаннат сизларнинг юртингизда, жаноб! Ҳа, ишонаверинг гапимга!

Унинг бу сўзларига Муса жи ҳам юз фоиз қўшилажагини айтди.

— Ўзбекистон ерига берган таърифларингиз учун минг раҳмат. Буни ҳар ким ҳам англаб етавермайди, — дедим уларга миннатдорчилик билдириб.

Вужудимни қандайдир ғурур ҳисси қоплади.

Бугунги дастурхон устида бўлаётган учрашувдан муддао шунга бориб тақалдики, тинчгина ижод қилишим учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилган Коломбодан четроқдаги тинчгина гўша — Нигамбога юборадиган бўлишди.

Коломбо безовта бўлиб қолганди.

■ **Дадахон НУРИЙ**

***

Суратда:
муаллиф адабиётшунос, таниқли дипломат, Покистон ташқи ишлар вазири Абдул Саттор жаноблари билан.
(2001 йил, апрель, Исломобод)

«Даракчи» газетасини баъзилар «Бу газета савиясиз, олди-қочди мавзуларни ёритади, бу эса муштарий савиясини туширишга олиб келади», деса, айрим тоифа «Даракчи»ни бугунги кунда кўнгилочар газета деб ҳисоблашади. Ана шулар хусусида газета бош муҳаррири Анвар Намозов билан суҳбатлашдик.

«Даракчи»да НИМА ГАП?

— «Даракчи»да республикамиз ва дунёда бўлган ҳафта давомидаги муҳим воқеа-ҳодисаларга кенг ўрин берилади. «Davr» рукни остидаги таҳлилий мақолаларда бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган ишларни халққа атрофлича етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Элимизга яхши таниш бўлган кучли журналистларни ҳамкорликка чақиряпмиз. Биз турли «шов-шув»га эътибор кўп қаратамиз. Айримларга бу ёқмайди. Аслида «шов-шув» матбуотнинг асосий мавзуси ҳисобланмайдими?

— Ҳозирги вақтда газеталар учун қоғоз масаласи муаммо, газетани ҳам бу муаммо четлаб ўтмаётгандир?

— Тўғри, кўпчилик газета муҳаррирлари қоғоз масаласида кўп қайғуради, уни топиш, сотиб олиш бу, албатта, газета таннархини ҳам оширади. Бизда бу масалалар билан муассисимиз, яъни STV телекомпанияси машғул. Бизнинг муаммо — газета мазмун-мундарижасини бойитиш, етук журналистларни таклиф этиш, улар ижодини газета саҳифаларида эълон қилишдир. Ҳозирги вақтдаги долзарб мавзу, яъни танқид бизда кам, шуни йўлга қўйишимиз керак. Бунинг учун эса, албатта, етук журналистларга эҳтиёж катта.

■ **Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли суҳбатлашди**

— «Газетанинг ўқувчи учун олди-қочдига мослашгани, саҳифаларнинг эса изоҳ ва суратлар билан тўлганлигидир», деган фикрларга қандай қарайсиз?

— Матбуот эркинлиги рақобатни вужудга келтирди. Қайси йўлдан борсак, омма ичига кенгроқ кириш мумкинлиги ҳақида ўйладик ва ўқувчилар учун енгилроқ, кўнгилочар мавзуларни ёрита бошладик. Негаки, улар учун бу ўзбекча нашрларда кам учрайдиган воқеа эди. «Даракчи» худди шу мавзуларни ёритгани учун ҳам баъзиларга ёқди. Энди газета ҳақидаги танқидий фикрларга келсак, шахсан мен тўғри қабул қиламан. Биз танқидий фикрлардан хулоса чиқариб, мавзуларни бироз жиддийроқ масалаларга бурдик. Ҳуқуқ, тарих, сиёсат мавзуларини оммага содда тилда, тушунарли тарзда етказиб бериш бизнинг асосий мақсадларимиздан бири.

— Матбуот ҳокимият ва халқ орасидаги кўприк ҳисобланади. Бу вазифани қандай уддалаяпсизлар?

САНЪАТКОРЛАР ДАВРАСИДА

МАКТАБ ЯРАТГАН ҲОФИЗ



XX аср ўзбек санъатсеварларига жозибали, иқтидорли, халқ қалбидан чуқур ўрин олган ажойиб санъаткорларни инъом қилдики, улар яратган ижодий мерос ўзбек миллий қўшиқчилик маданияти хазинасига қўшилган улкан ҳиссадир. Ўзига хос овоз ва услуб соҳиби бўлган Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, Муҳиддин Қори Ёқубов, акаука Сўфихоновлар, Акбар Ҳайдаров, Турғун Каримов, Боборахим Мирзаев, Юнус Ражабий, Ҳожихон Болтаев, Маматбува Сатторов, Эрка қори Каримов, Эшмат Ҳайдаров, Ҳамроқул Қори, Расул қори Мамадалиев, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Муроджон Аҳмедов, Комилжон Баратов каби ўнлаб етук санъаткорлар ўз санъатлари билан элимизга, қолаверса, бошқа шарқ халқларига ҳам астойдил хизмат қилиб ўтишди.

Кейинчалик миллий қўшиқчилигимизда ёшу қарига баробар маъқул бўладиган, лирик қўшиқлар деб ном олган йўналиш вужудга келди. Бу услуб ва мактабнинг асосчиси ўша даврларда тез орада ушбу йўналиш билан санъатсеварлар қалбини забт этган ардоқли санъаткор Фахриддин ака Умаровдир.

Устознинг қўшиқчилик даргоҳига дастлабки қадам қўя бошлаган дамлари ўз даврининг машҳур санъаткорлари ижодини, аждодларимиз яратиб кетган мумтоз санъат асарларини синчиклаб ўрганиш билан кечди. У машҳур қўшиқчилар назаридан ўтишдек бахтга эришди. Албатта, устозларга эргашиш, улардан мунтазам ўрганиб бориш ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди. Фахриддин ака ҳам аста-секин ўзларининг дастлабки қўшиқларини ярата бошладилар. «Найларам», «Сабо етсанг», «Хаёлимда дилоромим», «Ишқингда зор ўлдим, нетай», «Азиз ватаним», «Жамолинг», «Ул қаро қошдин яна», «Онам дерман» каби қатор лирик қўшиқлар вужудга келди ва уларни санъатсевар халқимиз ниҳоятда кўтаринкилик билан кутиб олди. Бу қўшиқларнинг қисқа вақт ичида халқ юрагидан жой олишининг сабаблари шу эдики, улар, юқорида таърифлаганимиздек, лирик хусусиятларга бойлиги, ғазалнинг ҳар бир жумла ва сўзларини, маъносини тингловчига аниқ-тиниқ етказиб айтилиши ҳамда нозик ва эркалаш услубидаги ижролари билан алоҳида ўрин тутди.

Ушбу хусусиятлар ва ёқимли овознинг ҳозирги кунгача ҳам сақланиб қолганлигига сабаб шуки, бу кишининг ўз касбларига бўлган чексиз қизиқишлари ва санъатсевар халқимизга бўлган беқиёс муҳаббатларидир. Фахриддин ака санъатдаги кўп йиллик хизматлари эвазига 1964 йили «Республикада хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирландилар.

Қўшиқчилигимиздаги у кишининг ўзига хос йўналиши халқимизга тобора манзур бўла бошлади, мухлислар сони кундан-кун ортиб борди. Айни вақтда бу кишини яхши тантанали кунларда қатнашишини орзу-ниятқилувчилар сони ҳам беҳисоб эди. Аждодларимиз яратган бир неча юз йиллик тарихга эга бўлган мумтоз қўшиқларга мурожаат, шоирлар билан мулоқот, шогирдлар билан ишлашда у киши чарчаш билмайдилар.

Фахриддин ака ижоди, репертуари бунёдкор ва ижодкор халқимизнинг меҳнатсеварлиги, ўлкамиз чиройи, пахтакорлар меҳнати, одамийлик ва адолат, ота-она ва фарзанд ўртасидаги бурч ва муносабатлар, оқибатлилик ва содиқлик, севги-муҳаббат, донолар фикрлари, Ватан ишқи ва бошқа турли мавзуларни тараннум этувчи қўшиқлар билан бойиб борди. «Севмасмидинг», «Ўзбекистон қизлари», «Айрилиб бўлмас», «Кулсанг», «Табассуминг», «Эй муҳаббат», «Мени ёд эт», «Ота билан онангизни», «Шошмай тур», «Дерлар одам боши», «Тош қабрлар», «Ҳайрона бўлибман» каби ўнлаб қўшиқларни санъатсеварлар меҳр билан кутиб олишди. Бу борада у киши бориб хизматларида бўла олмаган айрим кимсаларнинг «холис» хизматлари туфайли 1966 йили Фахриддин аканинг фахрий унвондан маҳрум этишди. «Ана ўша мен учун нохуш ва аламли бўлган даврларда, — деб эслайдилар устоз. — Халқимизнинг камтарона санъатимга бўлган чексиз меҳри менга таянч, суянчиқ бўлган».

Шукрлар бўлсинки, мустақиллигимизнинг илк шабадаси ўзининг дастлабки ёқимли эпкинини Фахриддин акадан ҳам дариғ тутмади ва Юртбошимиз ташаббуслари билан «Республикада хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони орадан чорак аср ўтгандан сўнг қайта тикланди, ҳақиқат қарор топди. Устоз шу яхши ишга бош қўшганлардан миннатдор эканликларини тилдан қўймайдилар.

Ўтган бир неча 10 йилликлар давомида устоз яратган лирика мактаби иқтидорли, етук, хушовоз санъаткорларни халқимизга инъом этди. Тожикистон халқ артистлари Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиевлар, Ўзбекистон халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Нуриддин Ҳамроқулов, Хайрулла Лутфуллаев, Қобилжон Юсупов, Ғуломжон Ёқубов, Ҳотам Ҳожиев, Тоштемир Тоиров, Абдуҳамид Султонов, Ҳожимурод Умаров, Лутфулла Убайдуллаев, Бахтиёр Тўлаганов, Ўткир Каримов, Собиржон Расулов ва бошқа ўнлаб хушовоз хонандалар бир неча йиллардан бери эл хизматида.

Охирги ўн йилликларда устоз ижоди, айниқса, ҳаётий-фалсафий панд-насиҳат мазмунидаги мумтоз қўшиқлар билан янада бойиди. «Умр ўтмоқдадур», «Одам ўғли ётма ғофил», «Фурсатинг етмайди доим», «Оилага тинчлик», «Айрилса», «Дарвешона ўтди умрим», «Илтимосга кунинг қолмасин», «Хаёл» каби кўплаб қўшиқлар шулар жумласидандир.

Мен Фахриддин аканинг ёнларида 30 йилдан ошиқ биргаман. У киши яратган қўшиқларнинг сони 500 дан ортиқ эканлигини яхши билганим туфайли ишонч ва фахр билан айтаманки, Фахриддин ака устоз санъаткорлар анъанасини давом эттирмоқдалар.

Ажойиб инсон, нозик дид ва қалб, бетакрор овоз соҳиби, етук фарзандлар отаси, кўплаб невара ва эвараларнинг бобоси Фахриддин Умаров истиқлолга шукрлар айтиб, ўзларининг муборак 75 баҳорларини қарши олмоқдалар.

■ **Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, тарих фанлари доктори**

INTER-SPORT

ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

400 метрга югуриш бўйича жаҳон чемпионати шу йилнинг 13-15 июль кунлари Бирмингем шаҳридаги «Александр» стадионида бўлиб ўтади. Ҳозирда бу мусобақага тайёргарлик қизғин тус олган. Британиялик Марк Ричардсон 1991 йил Глазгода ўтказилган жаҳон югуриш мусобақасида бу борада биринчи ўринни олган эди. Бу спортчи яна бир бор ўз қобилиятини кўрсатиш мақсадида чемпионатга астойдил тайёргарлик кўрмоқда.

Катрина Меррей, Донка Фразер ва Кеттей Куклар Британиядаги энг тез югурувчи аёллар ҳисобланади. Мухлислар Марк Ричардсон ҳамда юқорида номлари қайд этилган спортчилар мазкур чемпионатда яхши натижаларга эришади, дея умид қилишмоқда.

INTER-SPORT

ЖАНГГА ТАКЛИФ

Оғир вазн тоифадаги янги жаҳон чемпиони Ҳосим Раҳмон британиялик Леннокс Люисни яна рингга таклиф қилмоқда. Улар апрель ойида учрашиб, очколар ҳисобида Люис яна чемпионлик шоҳсупасида қолган эди. Ҳосим Раҳмоннинг прамоутери Дон Кинг Люис билан бўладиган бу жангга 12,5 миллион доллар таклиф қилди. Ҳозирда иккала томон ҳам қайта жанг ўтказилишини астойдил хоҳламоқда. Лекин Люис томони бу жангга 3 миллион доллардан ортиқ тикмасликларини маълум қилган.

Шу йилнинг 4 август куни Хитойнинг Бейжинг шаҳрида оғир вазн тоифадаги боксчиларнинг навбатдаги учинчи жаҳон чемпионати ўтказилади. Бу чемпионатда Ҳосим Раҳмон Давид Изонга қарши рингга тушади. Шундай бўлишига қарамасдан у фақат Люис билан бўладиган жангга қизиқаётганлигини ва бунда ўз маҳоратини яхшироқ кўрсатишга ҳаракат қилажагини айтган.

ЯНА БИР ТАШАББУС

Англия спорт уюшмаси ва Манчестер шаҳар ҳокимияти ҳамкорликда 2002 йилда «Умумий соғломлаштириш спорт ўйинлари»ни ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди. Манчестер шаҳридаги парклар, савдо марказлари ва шаҳар кўчалари келгуси йил 25 июлдан 4 августгача байрамона тус олади ва бу ердаги барча спорт мажмуаларида спорт ўйинлари ўтказилади. Тадбирнинг молиявий ишлар бўйича директори Нейл де Вос биринчи бор ўтказилаётган «Умумий соғломлаштириш спорт ўйинлари» ҳақиқатан фантазияга бой бўлишини ва тарихга қизиқарли воқеа бўлиб киришини таъкидлади. Унинг ҳисоботига кўра, тадбирни ўтказишга жами 105 миллион доллар сарфланиши мўлжалланган.

INTER-SPORT

КОНГРЕССНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

Аргентинада FIFAнинг навбатдаги йиллик конгресси бўлиб ўтди. Унда Европа федерацияси, Жанубий Корея футбол федерацияси, Халқаро Олимпия қўмитаси ва бошқа футболга таллуқли уюшмалар вакиллари иштирок этди. Конгрессда 2002 йилда Жанубий Корея ва Японияда ўтказиладиган жаҳон футбол чемпионати ўйинларини тўғридан-тўғри кўрсатиш лицензиясини қайси телекомпанияларга сотиш хусусида борди.

Футбол ўйинларининг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, кўнгилсиз ҳодисалар такрорланмаслиги учун курашиш лозимлиги таъкидланди.

■ **Интернет хабарлари асосида Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**



■ **Абдулғани ЖУМА олган сурат**

РУҲИЯТ ЛАҲЗАСИ

МУҲАББАТ ҚАБРИ

Мана, яна бир кун сенсиз ўтди. Кун ортидан келажак туннинг қучоғида яна ёлғиз ўтаётган бир кеча. Гўёки тун ҳам менинг тунд кайфиятимни оламга ёяётгандек...

Кўнглимдаги аламларим, ҳасратларим, юрагимдаги битмас жароҳатларим, йиғлайвериб толиққан кўзларимга бир зум бўлсин ором бермас.

Қанчалик истамай юрагимдаги дард, кўнглимдаги хасталик мени енгмоқда, йиқитмоқда. Фақат бир нарса — яқинларимнинг меҳри, жигаргўшаларимнинг муҳаббати, ёнимдаги икки қанотим — фарзандларимнинг ёрқин келажаги учун оёққа турмоқ истаги ушлаб турибди мени бу дунёда...

Вақти келиб содиқ юраклардан хиёнаткор юракларга кўчганингни тушунарсан, ярақлаб кўринган ҳар бир нарса олтин бўлавермаслигини англаб етарсан. Оромимни, шодлигимни, бахтимни олиб кетиб, ўзинг ором топган ўша «гўша»да беғоҳа эканингни ниҳоят, тушуниб етарсан. Бироқ, ўша топда сен менинг юрагимда иккимиз бир вақтлар энтикиб солган муҳаббат иморатини эмас, қабрини топарсан...

■ **Дилфуза МЎМИНОВА**

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Ю. Гагарин номли 35-ўрта мактаб битирувчиси Рўзиев Шуҳрат Абдиманноповичга берилган А № 374355 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Хумо Қуш ҳузурида» театр студияси ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ.** Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида **173-75-95** рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги 301-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Махамажонов Ильхам Мурадович номига берилган АУ 301396 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Бешинчи» саҳифа

ПОЧЧАМ ОЗМОҚЧИ

Саримсоқ Ҳуснбузаров Қумободга раҳбар бўлиб келгандан буён поччамнинг пайтавасида қурт ўрмалаб қолди. Сабабини сўраманг, айтолмайди, деворнинг ҳам қулоғи бор-а! Кеча янгам оғзидан гуллаб қўйди: вилоят раҳбари, агар мен билан ишламоқчи бўлсангиз, ортиқча «юк»дан қутилинг, деганмиш. Энди эри шўрлик велосипед ахтариб юрганмиш. Ишқилиб, поччам тез орада озсин-да! Бўлмаса, унга ўхшаган ўнлаб раису раҳбарларнинг ҳолига вой...

ҚЎЙНИДАН ТЎКИЛСА...

«Елим» корхонаси жамоаси унча катта эмас. Унга ўтган асрдан янги замонга судралиб ўтган Ширишов яқинда раҳбар этиб тайинланди. Байрам муносабати билан ходимларни тақдирлашга оид масала кўриладиган йиғинни ҳам «кўпни кўрган» раҳбар очди.

— Бизга юқоридан битта Фахрий ёрлиқ ажратилган, — дея Ширишов ўтирганларга кўзойнаги остидан бир-бир қараб чиқди. — Шуни...

Бошлиқ чайналди. Рўйхатни ўқиб бериш учун қоғозларни титкилади, тополмади. Бироздан сўнг муддаога ўтди:

— Таклиф бор, мазкур мукофотга Мўминжон Қобилжонович тавсия этилсин. У кишини таништиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳамма жим. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Сукут — аломати ризо. Бир овоздан маъқулланди, — деди бошлиқ.

Тўпланганлар Мўминжон Қобилжонович бошлиқнинг қайнотаси эканлигини бир неча кундан кейин билишди. Ҳа, энди қўйнидан тўкилса, қўнжига-да!

ЯШАСИН, МАЖЛИС!

Тажанг Тежамкор уйига тун оққанда ҳафсаласиз кириб келди. Эрининг авзойи хуфтонлигини кўрган Нозикхон болаларни туртиб уйғотди:

— Турингглар, дадаларинг келди!

Болалар калта-узун бўлиб, сафланишди.

— Ўртоқлар, — деди бошқарма бошлиғи Тажанг Тежамкор зарда билан, — орамизда шундайлар борки, уларни ўртоқлар, деб бўлмайди, ўртоқлар! Гап тамом!

Қўлида сумаги билан кўзини ишқалаб турган кенжа ўғил дадасига қараб ғингшиди: микрафонсиз гапирдингиз-ку!

Тажанг Тежамкорнинг кўзлари катталашди. Ахир, бугун танбеҳ эшитадиган кун эканми? Бешта йиғилиш ўтказишнинг ўзи бўладими, шумтака, демоқчи бўлди-ю, аммо уялганидан тилини тишлади. Хотини эса яшасин мажлис дея ғудурлаб, болаларини ётоғига олиб кетди. Эр эса эртанги йиғилишга тараддуд кўришга тутинди. Ахир, мажлис раҳбарни ҳаммага танитадиган восита-да!

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ЎZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA